

Қамоқхонадаги мусулмонларга алоҳида таомнома



08:30 / 22.12.2018 2598

Россияда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш Жазони ижро этиш федерал хизматидан қамоқхонада сақланаётган баъзи маҳкумлар гуруҳи учун таомланиш меъёрларини янгилашни таклиф қилди. Бу ҳақда islam-today нашри хабар берди.

“Ислом, яҳудийлик, ҳиндулик, шунингдек, вегетариан бўлган кишиларнинг таом меъёрларини ўрганиш лозим”, – дейилади Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш таклифида. Шу билан бирга, хаста маҳкумларнинг таомномаси юзасидан ҳам таклифлар киритилди.

Islom.uz портали таҳририяти